

## Иймоний дўстлик ва унинг самаралари

[Ўзбекча – Uzbek – اُوزبکي ]



**Шайх Солиҳ Фавзон ал-Фавзон**



**Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий**  
**Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

# الأُخْوَةِ الإِيمَانِيَّةِ وَثَمَرَاتُهَا

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



الشيخ صالح بن فوزان الفوزان

٤٣٩

ترجمة: أبو جعفر البخاري  
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

## **Биринчи хутба**

Барча ҳамдлар Аллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

**«Хой мўминлар, Аллоҳдан лойиқ бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

**«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билил ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда қузатувчи бўлган зотдир»** (Нисо: 1).

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гунохларингизни мағфират қилар. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди»** (Аҳзоб: 70 – 71).

Дўстлар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи – Аллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг

ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир.

Сўнг ...

Хой одамлар, Аллоҳ таолодан қўрқинглар ва билингларки, диндош биродарлик насаб биродарлигидан устундир. Шу боис Аллоҳ таоло наслаблари фарқли ва ватанлари бир-бирларидан олис бўлсада мўмин ва мусулмонларни ўзаро дўст бўлишга буюрди:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾

**«Дарҳақиқат, мўминлар ака-уқадирлар»** (Хужурот: 19).

Кофирларга эса гарчи наслаблари яқин бўлсада, душман бўлишга амр қилди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَابِرَاتٍ كُمْ وَإِخْوَانَكُمْ أُولَئِيَّاءِ إِنِّي أَسْتَحْبُّوْا﴾

﴿الْكُفَّارُ عَلَى الْإِيمَانِ وَمَن يَتَوَلَّهُمْ مَنْكُمْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

**«Эй мўминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда кимда-ким уларни дўст тутса, (яъни, уларни деб иймондан куфрга қайтса) бас, улар золимлардир»** (Тавба: 23).

Мусулмон ва мўминлар ўртасидаги ушбу биродарликнинг катта ҳақлари бўлиб, уларни Аллоҳ таоло Куръон Каримида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса суннатларида баён қилган ва уларни риоя

қилиш ва адо этиш вожиб бўлиб, уларга лоқайдлик қилиш ва эътиборсиз қарап мумкин эмасдир.

Ушбу ҳақлар ва самаралардан бири, ўрталарида низо ва ихтилоф пайдо бўлганида ёки адоват ва айрилиқ содир бўлганида мусулмонлар ўртасини ислоҳ этишдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَإِن طَائِفَاتٍ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ افْتَأْلُوا فَأَصْلِحُوهُا بَيْنَهُمَا فَإِن بَغَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَاتِلُوهُا الَّتِي تَبْغِي حَتَّىٰ تَفِيءَ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ فَإِن قَاءَتْ فَأَصْلِحُوهُا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَفْسِطُوهُا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ • إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوهُا بَيْنَ أَخْرَيْكُمْ وَإِنَّمَا اللَّهُ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирори иккинчисига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом) адолат қилинглар! Зоро Аллоҳ адолат қилгувчиларни суюр. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар — шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар» (Хужурот: 9, 10).

Мусулмон ва мўминлар ўртасидаги ҳақлардан бири, бир-бирларининг ҳурматларини сақлаш ва камситмасликдир:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مَّنْ قَوْمٌ عَسَى أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ  
وَلَا نِسَاءٌ مَّنْ نِسَاءٌ عَسَى أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا  
تَنابِرُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الاسمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الإِيمَانِ وَمَنْ لَمْ يَتَبَّعْ فَأُولَئِكَ  
هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавмдан масхара қилиб кулмасин — эҳтимолки, (ўша масхара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам (бошқа мўмина) аёлларга (масхара қилиб кулмасинлар) — эҳтимолки, (ўша масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар кўйиб олманглар! Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъни мўмин кишининг юқорида манъ қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар» (Хужурот: 11).

Аллоҳ таоло мазкур оятда мўминларнинг хоҳ эркак ва хоҳ аёл бўлишларидан қатъий назар, бир-бирларини масхара қилишларини таъқиқлади. Чунки, гоҳида масхара қилинаётган одам масхара қилаётган одамдан кўра афзалроқ бўлиши мумкин. Зеро,

масхаралаш калтафаҳмлиқдан содир бўлади. Аллоҳ таоло мусулмонни қоралаш ва уларга лақаб тақиши ҳам таъқиқлади. Лақаб, одамни бошқа исм билан чақиришдир ва уни эшитиш одамни камситади.

Айрим муфассирлар: Лақаб – «Ҳой, фосик!», «Ҳой, ит!», «Ҳой, эшак!», деб айтишдир. Аллоҳ таоло масхаралаш, камситиш ва лақаб тақиши «фосиклик» деб атади. Бу эса у ишларнинг қабиҳлиги ва улардан йироқ туриш фарз эканини уқтирумокда, – дедилар.

Мусулмон ва мўминлар ўртасидаги ҳаклардан бири, ўзаро бадгумон бўлиш, жосуслик ва ғийбат қилишдан сақланишдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا اجْتَبِيُوا كَثِيرًا مِّنَ الظُّنُنِ إِنَّ بَعْضَ الظُّنُنِ إِثْمٌ﴾

«Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир!» (Хужурот: 12). Яъни, яхши одамлар ҳақида бадгумон бўлишдан сақланингиз!

﴿وَلَا تَجَسَّسُوا﴾

«Жосуслик қилмангиз!» (Хужурот: 12).

Жосуслик – одамларнинг айбларини қидиришдир. Аллоҳ таоло одамларнинг яширин айбларини қидириш ва уларнинг заиф нуқталарини излашни таъқиқлади:

﴿وَلَا يَعْتَبِرْ بَعْضُكُمْ بَعْضًا﴾

**«Бир-бирингизни ғийбат қилмангиз!»** (Хужурот: 12).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «ғийбат»ни: «Дўстингизни ёқтиргмаган нарсаси билан тилга олишингиздир» – дея изоҳладилар. Аллоҳ таоло эса уни инсоннинг лошини ейишга менгзатди:

﴿يَحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يُأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ﴾

**«Бировингиз биродарининг гўштини ўлик ҳолатида ейишни ёқтирадими? Сизлар уни ёқтиргадигизлар-ку!»** (Хужурот: 12). Яъни, сизлар уни табиатан ёқтиргадигиз, шундай экан, шариат нуқтаи назаридан ҳам ёқтиргмангиз! Чунки унинг жазоси қаттиқдир!

Исломий ва иймоний биродарлик ҳақларидан бири, мусулмонларнинг эзгулик ва тақво асосида ўзаро ҳамкор бўлишларидир. Ҳамкорлик – уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш ва заарларини даф қилишдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالْتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الإِثْمِ وَالْغَدْوَانِ﴾

**«Эзгулик ва тақво асосида ҳамкор бўлинглар! Гуноҳ ва тажовуз асосида ҳамкор бўлманглар!»** (Моида: 2).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмонларнинг ўзаро дўстликлари, меҳри-бонликлари ва раҳмдилликларидаги мисоллари битта тананинг мисолига ўхшайди. Унинг бирон аъзоси

оғриса, бошқа аъзолар ҳам бедорлик ва иситма билан оғриб чиқади» (Имом Муслим, 4685).

Демак, мусулмон одам мусулмон биродарининг қувончи билан қувонади, мусибати билан қайғуга ботади.

Исломий ва иймоний биродарлик ҳақларидан бири, мусулмонлар ўртасидаги ўзаро насиҳатлашиш, бир-бирларини яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَعْضُهُمْ أُولَئِءِ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ  
وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَيَنْهَا عَنِ الصَّلَاةِ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ  
وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيِّدُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар, намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға итоат қиласадилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир» (Тавба: 71).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин – насиҳатдир!» дея уч марта такрорладилар. – Ё Расулуллоҳ, ким учун?! – деб савол берилганидан эса: «Аллоҳ, Унинг Китоби, Расули, мусулмонларнинг имомлари ва оммалари учун» – деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад 7941).

Исломий ва иймоний биродарлик ҳақларидан бири, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйидаги ҳадислари айтганларидек, мўминнинг мўмин биродари учун ўзи учун суйған нарсани суюшидир: «Бировингиз биродарига ўзи учун суйған нарсани сўймагунича мўмин бўла олмайди» (Имом Бухорий, 13). Бу ҳадисда назарда тутилган «муҳаббат» диний муҳаббатдир. Чунки айрим башарий нафслар ёмонликни ҳам ёқтиради.

Шунинг учун ҳам, мўмин ўз биродарига ўзи учун суйған яхшилик ва фойдаларли нарсани суюши лозим. Биродарига ўзи учун суйған нарсани сўймаган одам ҳасадгўй бўлади. Ҳасад қилиш эса мазамматли ишдир.

Исломий ва иймоний биродарлик ҳақларидан бири, мусулмонларга хиёнат қилмаслик ва уларни алдамаслиқдир. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бизга хиёнат қилган кимса биздан эмасдир» – деганлар (Ибн Можа, 2225). Савдо-сотиқдаги хиёнат ва қаллоблик ҳам шунинг ичига киради.

Бугунги кундаги қўплаб одамлар савдо-сотиқни бошқаларнинг молларига алдов, хиёнат ва қаллоблик билан эга бўлиш учун макр воситаси қилиб олдилар. Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилди: «Сотувчи ва харидор модомики айрилмаган экан (молни сотиш ёки олишда) ихтиёрлидирлар. Улар рост гапириб, (молдаги камчиликларни) айтсалар савдоларига барака берилади. (Молдаги камчиликларни) яширсалар ва ёлғон гапирсалар шояд фойда оларлар, бироқ, баракаси бўлмайди. Ёлғон

қасам мол (савдоси)ни чаққон қилсада, баракасини ўчиради». Бу ҳадисни Имом Бухорий (2079), Имом Муслим ва бошқалар ривоят қилдилар.

Исмоил ибн Убайд ибн Рифоъа рахимаҳуллоҳ отасидан, у эса бобосидан (разияллоҳу анхумо)дан ривоят қилади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намозгоҳга чиқдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг савдо қилишаётганини кўрдилар ва: «Ҳой, савдогарлар!» – дедилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ижобат қилиб бошларини кўтариб, қарадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Савдогарлар Қиёмат кунида фожир ўлароқ қайта тирилтириладилар. Фақатгина Аллоҳдан тақво қилган, яхшиликлар қилган ва ростгўй бўлганлари бундан мустаснодир» – дедилар. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилди (2146) ва: Ҳасан саҳих, – деди. Бу ҳадисни яна Ибн Можа ва Ҳоким «Мустадрак»ида нақл қилди ва Ҳоким: Бу ҳадиснинг санади саҳихдир, – деди.

Абу Зарр разияллоҳу анху айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа инсонлар борки, Аллоҳ таоло Қиёмат кунида уларга боқмайди ва уларни покламайди ҳамда уларга аламли азоб бордир» – деб уч марта такрорладилар. Мен: Ё Расулуллоҳ, расво бўлишсин, улар кимлар!, – дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шалворларининг пойчасини ошиқларидан пастга туширган (эркаклар), миннатчи ва молини ёлғон қасам билан сотганлар» – деб жавоб бердилар. Бу ҳадисни Имом Муслим (154) ва бошқалар ривоят қилдилар.

Мўминлар ва мусулмонларнинг бир-бирларига бўлган ҳақларидан бири, ўзларидан олдин эришган одамнинг ҳаққига хурмат билан қарашдир. Шундай экан бирор бировнинг савдоси устига бай очиб, харид қилиб олган одамга: Мен сизга айни, балки ундан кўра яхшироқ молни сиз олгандан кўра арzonроқ нархга сотаман! – демасин.

Бировингиз бошқасининг савдосига бай очиб сотувчига: Унга сотманг. Мен сизга у берган нархдан кўра кўпроқ пул бераман, – демасин.

Бировингиз бошқаси совчи қўйган қизга совчи қўймасин. Агар у совчи қўйган хотин рози бўлиб турса, бошқа бирор совчи қўймасин. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишни таъқиқладилар: «Бирор биродарининг савдоси устига бай очмасин ва совчи қўйган қизига совчи жўнатмасин!» (Имом Муслим 2531).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган муомалалардан бири «таножуш»дир. Таножуш – савдо бўлаётган молни сотиб олиш нияти бўлмаган ҳолда харидор учун нархини ошириш, демакдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирор бирингизга ҳасад қилмангиз, олиш нияти бўлмаган ҳолда харидорга нархини ошириш учун харидор бўлмангиз, бирор бирингиздан нафратланмангиз, тадобур қилмангиз ва биродарингизнинг савдоси устига бай очмангиз» – дедилар (Имом Муслим 6707).

Тадобур – бировдан юз ўгириб, унга лоқайд бўлиш ва ундан узокда қолишдир.

Мусулмонларнинг бир-бирлариға бўлган ҳақларидан бири, уларнинг ўзаро зиёратлашишлари, саломни ошкора бериш, эхтиёжларини адо этиш, кучсизларга меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат қилиш, беморларни бориб кўриш ва жанозаларида иштирок этишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: «Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳаққи бештадир: bemorni kўriш, janozalarda iштирок этиш, чақириқларга ижобат қилиш ва чучкир(иб «Алхамдуиллаҳ» де)ган кишига жавоб бериш» (Муттафақун алайҳ).

Мусулмонлар ҳақларидан бири, бир-бирлариға яхши тилакларда бўлишдир. Аллоҳ таоло ансор ва муҳожирларни зикр қилган пайтда шундай деди:

﴿وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَفْعِزْ لَنَا وَلَا خُوَانِتَنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غَلَّا لِلَّذِينَ ءامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ﴾

﴿رَحِيم﴾

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмли-дирсан»» (Хашр: 10);

﴿وَاسْتَغْفِرْ لِذَنِبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ﴾

«ва ўз гунохингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гунохлари) учун мағфират сўранг!» (Муҳаммад: 19).

Мўминлар ҳар замонда биринчи халифадан охиригисигача, дунёнинг ҳар бир мамлакатида, гарчи ўз ўлкаларидан олисда бўлсаларда, биродар бўлиб, бир-бирларига яхши тилакларда бўладилар: гунохлари учун истиғфор айтадилар, уларни севадилар, тақво ва эзгулик асосида ҳамкор бўладилар, бирилари иккинчисига насиҳат қиласиди, ўзаро муомалаларида ростгўй бўлишади, ҳақларини ҳурмат қилишади. Чунки Аллоҳ таоло уларни насаб, ватан ва тилдан кўра кувватлироқ бўлган ришта – иймон риштаси билан боғлаган.

Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳдан тақво қилингиз ва шу биродарлик ҳақларига риоя этингиз! Акси тақдирда зиёнкорлардан бўласизлар!

**Аузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм.**

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتَهُ وَلَا تَمُوْثِنَ إِلَّا وَأَنْشَمْ مُسْلِمُونَ وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَنَرَقُوا وَادْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْنِكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَغَدَاءَ فَآلَفَ بَيْنَ فُلُوْبِكُمْ فَأَضْبَطْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْرَانًا وَكُنْتُمْ عَلَى شَفَاعَ حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِّنْهَا كَذَالِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهَتَّدُونَ ۚ وَلْتَكُنْ مَنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْنَ عَنِ

الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ • وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا  
مِنْ بَعْدِ مَا جَاءُهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٣﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар! Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Куръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қиласди. Оралатингиздан яхшиликка (исломга) даъват қиласидиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ хужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана унрайлар учун улуғ азоб бордир» (Оли Имрон: 102 – 105).

Аллоҳ таоло менга ва сизларга Куръон Каримни баракали қилсин.

## Иккинчи хутба

Барча оламлар Робби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мен: «Ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг бандаси ва расули» деб, гувоҳлик бераман. Аллоҳ Пайғамбари-мизга, унинг оиласи ва асҳобларига кўпдан-кўп салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Хой одамлар, Аллоҳ таолодан тақво қилингиз ва унутмангизки, айрим одамлар мусулмонларга азият бериш учун хийла ва макр билан иймонли эканликларини иддао этсаларда, кўнгилларида кофирлар билан биргадир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ إِيمَانًا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُم بِمُؤْمِنِينَ  
يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَالَّذِينَ ءامَنُوا وَمَا يُخَدِّعُونَ إِلَّا أَنفُسُهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ  
فِي قُلُوبِهِمْ مَرْضٌ فَرَأَهُمُ اللَّهُ مَرْضًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْنِدُونَ  
وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ قَالُوا إِنَّمَا نَحْنُ مُضْلِلُونَ ۝ أَلَا  
إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلَكِنْ لَا يَشْعُرُونَ ۝ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ءامَنُوا كَمَا ءامَنَ  
النَّاسُ قَالُوا أَتُؤْمِنُ كَمَا آمَنَ السُّفَهَاءُ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ السُّفَهَاءُ وَلَكِنْ لَا  
يَعْلَمُونَ ۝ وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءامَنُوا قَالُوا إِيمَانًا وَإِذَا خَلُوا إِلَى شَيَاطِينِهِمْ

قَالُوا إِنَّا مَعْكُمْ إِنَّمَا نَخْنُ مُسْتَهْزِئُونَ • اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمْدُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٥﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва Охират қунига иймон келтиридик», дейдилар. Улар Аллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир. Уларга: «Ер юзида бузғунчилик қилманглар», дейилса, «Биз — ислоҳ қилувчилармиз», дейдилар. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар. Уларга: «Мана бу кишилардек иймон келтиринглар», дейилса, «Шу пасткашларга ўхшаб мўмин бўламиزمи?» — дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар.

И з о х. Исломни қабул қилган зотларнинг кўпчилиги камбағал, фақир кишилар ва ҳатто Сухайб, Билол каби қуллар эдилар. Мунофиқлар ўзларича: «Мана шу зоти пастларга ўхшаб мўмин бўламиздими?» — дейишар эди.

Иймон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам иймон келтиридик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан холи қолганда эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейиша-

ди. Аллоҳ уларнинг устидан қулади ва ўз түғёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади» (Бақара: 8–15).

Уларнинг мақсадлари мусулмонларнинг заиф нуқталарини қидириш ва яхлитликларини парчалашидир. Улар ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳой, тиллари билан иймон келтирган ва иймон қалбларига кирмаганлар жамоати, мусулмонларни ғийбат қилмангиз ва заиф нуқталарини қидирмангиз! Ким уларнинг заиф нуқталарини қидирса, Аллоҳ унинг заиф нуқтасини қидиради. Аллоҳ кимнинг заиф нуқтасини қидирса, у ўз уйида бўлса ҳам расво қилади!» – дедилар (Абу Довуд, 4880).

Айрим одамларнинг эса иймонлари заиф бўлиб, мунофиқларнинг баъзи сифатлари билан сифатланандилар: ёлғон гапирадилар, омонатга хиёнат қиласидилар ва тортишганда саркашлик қиласидилар. Улар ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса хилоф қиласи ва омонат қўйилса хиёнат қиласи» (Имом Бухорий, 33). Бошқа бир ривоятда эса: «Аҳд берса вафо қилмайди ва жанжаллашса саркашлик қиласи» – дейилган (Имом Бухорий, 34).

Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳдан тақво қилингиз ва Аллоҳ буюрганидек ҳақиқий мўмин бўлингиз ва унумтмангизки, гапларнинг яхшироғи Аллоҳнинг Каломидир.

